

“ТАСДИКЛАЙМАН”
Фарғона вилояти ҳокимининг
Жамоатчилик
назорати Кенгаши раиси
 **Х.А.Комилов**
25.06.2025 йил

**Жамоатчилик нazorати Кенгашининг 2025 йил 2-чорак давомида
амалга оширган ишлари ҳамда 3-чорак билан ўз фаолиятимизни
режалаштириш юзасидан йиғилиш
БАЁННОМАСИ**

Фарғона шаҳри

2025 йил 25-июн

Раислик килди: **Х.О.Комилов-Халқ** депутатлари Фарғона вилоят кенгаши депутати, Жамоатчилик кенгаши раиси.

З.Рахмонов-Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари. Маҳалла ва Нуронийлар бошқармаси бошлик ўринбосари.

Иштирок этдилар: Шаҳар туман ҳокимларининг Меҳнат фахрийси, Жамоатчилик кенгаши вакиллари (24 нафар) вилоят ҳокимлиги фаоллари (рўйхат илова этилади).

КУН ТАРТИБИ:

1. 2025 йил 2-чорак давомида амалга оширилган ишлар ҳамда 3-чоракдаги вазифаларни белгилаб олиш.

Х.О.Комилов-Халқ депутатлари
Фарғона вилоят Кенгаши депутати,
Жамоатчилик кенгаши раиси.

Йиғилиш раиси **Х.А.Комилов** йиғилиш катнашчиларига кун тартибидаги масалалар билан таништирди

Раис ўз маърузасида Жамоатчилик Кенгаши вакиллари 2-чорак давомида амалга оширилган ишлар билан таништирди. Хусусан 2-чоракда тиббиёт соҳасини бугунги кундаги амалга оширилаётган ислохотлари натижасини ўрганиш мақсадида Қўштепа тумани танланганини ва Қўштепа тумани тиббиёт соҳасидаги ҳолат ўрганилганини ва аниқланган камчиликлар юзасидан бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилганини маълум қилди. Камчиликларни бартараф этиш мумкин бўлган ҳолатлар ўз ўрнида ижроси таъминланганлиги ҳам эътироф этилди.

Йиғилиш давомида Жамоатчилик кенгаши томонидан 2-чорак давомида ғалла ўримида амалий ёрдам берилганлиги ҳамда ғўза парвариши учун доим назорат олиб борилаётганлиги ҳамда ғалла ўримида амалий ёрдам берган кенгаш аъзоларига вилоят ҳокимининг минатдорчилиги етказилди.


Юқорида айтиб ўтилган йўналишдаги ишларни ва мавжуд муаммоларни олдини олишда албатта тизим раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар режалар ишлаб чиқилиб вазифалар белгилаб берилди. Кенгаш аъзолари томонидан 3-чоракдаги амалга оширилиши лозим бўлган ишларп ўзаро келишиб олинди.

Кун тартибидаги кўрилган масалалар ва билдирилган таклифлар ва мулоҳазалардан келиб чиқиб Жамоатчилик Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. 2025 йил 2-чоракдаги амалга оширилган ишлар ва 3-чорак учун белгилаб беорилган вазифалар режа асосида олиб борилсин.
2. Белгилаб олинган вазифаларни ижросини таъминлаш ва назоратини ўз зимамда қолдираман.

Йиғилиш котиби:



Х.Рахмонов